

Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича

№	Амалий ложиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг ийллик молиялаштириш хажми
1	2	3	4
	<p>Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси ифлосланиши даражасини ва ахоли саломатлигига аэроген хавфни комплекс баҳолаш асосида атмосфера ҳавоси сифати мониторинги миллий ахборот платформасини ва мобил иловани яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p>	<p>Тадқиқот шакли: Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси ифлосланиши даражасини ва ахоли саломатлигига аэроген хавфни комплекс баҳолаш асосида атмосфера ҳавоси сифати мониторинги миллий ахборот платформасини ва мобил иловани яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - республика ҳудудида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар, жумладан майда дисперс заррачалар (PM-10 ва PM-2,5) билан ифлосланиши бўйича маълумотлар базаси яратилади; - Ўзбекистон ахолисини атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддалар, жумладан майда дисперс заррачалар (PM-10 ва PM-2,5) микдорига боғлиқ равища чанг этиологияли касалликлар билан касалланиш даражаси баҳоланади; - атмосфера ҳавоси сифатини ва ахоли аломатлиги учун аэроген хавфни комплекс баҳолаш критерийлари халқаро (ЖМТ, ЖССТ) талабларни ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади; - республика шаҳарлашган ҳудудлари атмосфера ҳавоси сифатини атмосфера ҳавосидаги майда дисперс заррачалар (PM-10 ва PM-2,5) микдорини ҳисобга олган ҳолда комплекс баҳолашнинг янги усули ишлаб чиқилади; - атмосфера ҳавосини ифлосланиши глобал индекслари (AQI)га интеграциялаш имконияти мавжуд бўлган атмосфера ҳавоси сифатини комплекс баҳолашнинг услугий асослари ишлаб чиқилади; - атмосфера ҳавосини ифлосланишининг ахоли саломатлигига хавфини баҳолаш услуги (ЖССТ, AP-HRA) ва Евropa минтақавий бюросининг Ўзбекистон шароитларига мослаштирилган “AirQ+” дастурини қўллаш бўйича услугий тавсиялар ишлаб чиқилади; - Ўзбекистоннинг табиий-иқлимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда атмосфера ҳавосидаги майда дисперс заррачалар (PM-10 ва PM-2,5) микдорининг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлари ишлаб чиқилади; - геоахборот тизимлари (ГАТ)дан фойдаланган ҳолда республикада 	1,5 млрд сўм



атмосфера ҳавоси сифати ва ахолини аэроген этиологияли касалликлар билан касалланиш даражасининг тематик атласи яратилади;

- Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси сифатини баҳолаш бўйича миллий ахборот платформаси ва мобил илова яратилади;

- республика ҳудудида атмосфера ҳавосини ифлосланиши даражасини камайтириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфларни минималлаштириш бўйича профилактик тадбирлар ишлаб чиқилади.

Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижаларида Гидрометеорология хизмати маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида синовдан ўтказилади.

Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк обьектлари учун тегишли хужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.

Жами ийллик:

1,5 млрд сўм

*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириши ҳажми 4,5 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.